Самарқанд вилоят Кенгаши сессияси

9 ноябрь куни Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тарихий обидаларни тиклаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганини, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда муайян муваффақиятлар қўлга киритилганини таъкидлади.

Шу билан бирга, эришилган ютуқлардан боши айланиб қолган айрим раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари вилоят аҳолиси ўртасида ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлди. Маҳаллий раҳбарлар орасида қариндош-уруғчилик, ошнаоғайнигарчилик каби иллатлар авж олди.

Йўлбошчимиз янги замон, янги турмушимизга ёт бундай иллатларнинг туб илдизи адолат тарозиси бузилганлигида эканини таъкидлади. Улардан фориғ бўлиш учун барчамиз мамлакатимизнинг буюк келажаги йўлида, эл-юрт ғамида ёниб яшашимиз лозим, деди Президент.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Алишер Мардиев ўз аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Тошкент вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Эркин Рўзиевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, У. Худойқулов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Б. Олимжонов, М. Усмонов, В. Чжен, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

Беҳзод УСМОН,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари

Суратда: сессия пайти

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

1998 йил 10 ноябрь, сешанба • № 134 (24.371).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Э. М. Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. М. Мардиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Мардиевич Мардиев ўз аризасига биноан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

Қадим шаҳарлар зиёрати

САМАРҚАНД. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилиши қатнашчилари Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва ушбу ташкилотнинг Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки бошчилигидаги делегация аъзоларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Нуруллаев, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Нуфузли ташкилот анжумани қатнашчиларининг бу қадимий заминга келиши бежиз эмас. Кўп минг йиллик тарихга ва бой маданиятга эга шаҳар ўзининг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилган нодир меъморлик ёдгорликлари, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан маълум ва машҳурдир. Шу ўринда ЮНЕСКО шафеълигида улуғ бобокалонларимиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек таваллуд топган кунларнинг тантана қилиниши, шунингдек, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очилиши, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилиши, нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлганини айтиш жоиз.

Дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан ташриф буюрган меҳмонларнинг Самарқанд билан танишуви яқиндагина таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланган буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий масжид мажмуасини бориб кўришдан бошланди. Бу ерда ўта қисқа муддатда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларини кўриб, уларга мафтун бўлмай илож йўқ. Ҳазрат қабри устида бунёд этилган маҳобатли, мафтункор мақбара, салобатли масжид, бир-биридан жозибали бошқа кошоналар барчани ҳайратга солди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов ташаббуси ва унинг бевосита иштирокидаги лойиҳа асосида қад ростлаган бу бетакрор обида асрларга татишига шаксшубҳа йўқ. Чунки унда ўзбекистонлик юзлаб, минглаб қўли гул усталарнинг заҳмати ва ҳассос меҳнати мужассам.

Мажмуа зиёрати чоғида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ўз таассуротларини баён этар экан, жумладан бундай деди:

— Ўзбекистонлик усталар яратган бу гўзал иморат мени мафтун этди. Каминани ҳаяжонга солган яна бир жиҳат шуки, сизу бизга замондош бўлган ажойиб усталар бундан бир неча юз йил аввал яшаган аждодларининг анъаналарини давом эттириб, қадимда яратилган

(Давоми 2-бетда)

«Нексия»нинг нархи ошадими?

Кейинги пайтларда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ЎзДЭУ қўшма корхонаси автомобиллари — «Нексия», «Тико» ва «Дамас»ларнинг бозори чаққонлашиб кетди. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмай қояди. Бинобарин, харидор ҳам анойи эмас-да: асл молни англаб олди, автомашиналаримизнинг жаҳон андозаларидан қолишмаслигини билди.

Лекин бир тоифадаги одамлар миш-миш ҳам тарқатиб юрибдилар. Эмишки, яқин орада «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларининг нархи кескин кўтарилармиш. Бу узунқулоқ гаплар харидорларда бироз бўлсада безовталик уйғотяпти; автодўконларда сунъий тақчиллик пайдо қилмоқда.

Бироқ автомобиль ишқибозларининг хавотирланишига асос йўқ экан. Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган очиқ мулоқот чоғида журналистларнинг саволларига жавобан «Ўзавтосаноат» уюшмасининг раиси Қудрат Парпиев шундай деди:

— Ўзбекистон аҳолисининг ҳаммаси, яъни 25 миллионга яқин киши биттадан машинали бўлмагунча «Нексия», «Тико», «Дамас»ларнинг нархи оширилмайди!

Бобо САРОИЙ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ҳоким муовини ногиронга қўл кўтарди»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1998 йил 26 сентябрь сонида чоп этилган «Ҳоким муовини ногиронга қўл кўтарди» сарлавҳали танқидий мақола вилоят ва туман ҳокимликларида чуқур муҳокама этиб чиқилди. Ушбу масала юзасидан 1998 йил 27 сентябрь куни вилоят ҳокимининг 263-сон қарори қабул қилиниб, масалага эътиборсизлик билан қараб, ўз вақтида жиддий чора-тадбирлар кўрмаганлиги учун туман ҳокими А. Чоршанбиевга хайфсан эълон қилинди ҳамда туман ҳокими ўринбосари Ч. Мирзаев эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди.

Бандихон туман ҳокимининг 1998 йил 27 сентябрь 254-сон қарори билан туман ҳокими ўринбосари Ч. Мирзаев ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари ҳамда одамларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ҳозирги кунда ушбу масала юзасидан туман прокуратураси суриштирув ишларини олиб бормоқда.

Тумандаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни янада яхшилаш мақсадида «Бандихон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган дастури» ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги мақолада чоп этилган камчиликларнинг чора-тадбирини доимий равишда кўриб боради.

Ж. НОРАЛИЕВ
Вилоят ҳокими

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 10 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	68,34
1 Австрия шиллинги	9,14
1 Англия фунт стерлинги	178,42
10 Бельгия франки	31,24
1 Голландия гульдени	57,06
10 Греция драхмаси	3,85
1 Дания кронаси	16,94
1 БАА дирхами	29,33
1 АҚШ доллари	107,71
1 Миср фунти	31,59
1 Ирландия фунти	159,62
1 Исландия кронаси	1,55
10 Испания песети	7,61
100 Италия лираси	6,50
1 Канада доллари	70,22
1 Хитой юани	13,01
1 Қувайт динори	362,05
100 Ливан фунти	7,18
1 Малайзия рингги	28,35
1 Германия маркаси	64,25
1 Норвегия кронаси	14,54
1 Польша злотийси	31,49
10 Португалия эскудоси	6,29
1 Сингапур доллари	65,69
1 СДР	150,95
1000 Туркия лираси	0,37
1 Финляндия маркаси	21,15
1 Франция франки	19,15
1 Швеция кронаси	13,74
1 Швейцария франки	78,05
1 ЭКЮ	126,21
10 Жанубий Корея вони	0,82
10 Япония иенаси	9,03
1 Россия рубли	7,18
1 Украина гривнаси	31,43
1000 Белорусь рубли	1,80
1 Латвия лати	189,30
1 Литва лити	26,93
1 Молдова лейи	15,37
1 Қирғизистон соми	4,35

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Бу дунёнинг ишлари

Вазият барқарорлашмоқда

«Интернет» хабарларига кўра, Тожикистондаги вазият тобора барқарорлашмоқда. Ҳукумат қўшинлари полковник Маҳмуд Худойбердиев жангариларига қарши муваффақиятли операциялар ўтказишди. Натижада ҳукумат қўшинларининг махсус бригадаси томонидан ўтказилган операциялар туфайли қуролли гуруҳ тўла тор-мор этилди. Худойбердиев исёнчилари гаровга ушлаб турган 50 дан зиёд киши озод этилди. Операция жараёнида ҳукумат қўшинларининг ҳарбий хизматчилари ва фуқаролардан 80 киши ҳалок бўлди. Исёнчилар эса бундан кўпроқ талофат кўришди. Худойбердиев тарафдорларидан 40 киши хибсга олинди. Айни пайтда Айний туманида исёнчиларга қарши кураш олиб борилмоқда. Бу ерда 170 исёнчи қаршилик кўрсатмоқда.

Уруш жабрини болалар тортмоқда

Афғонистонда давом этаётган уруш йилларида таҳминан 350 минг бола ўқ ва снарядлардан ҳалок бўлди. Очлик ва ярим оч юришдан 4 миллиондан зиёд эмизикли бола ва ўсмир вафот этди. Ушбу маълумотлар БМТнинг болаларга ёрдам бериш халқаро жамғармаси ва «Болаларни қутқариш» ташкилоти томонидан эълон қилинди. Ҳужжатга кўра, осон даволанадиган ва ўпка касалликларидан беш ёшгача бўлган гўдаклардан 268 минг нафари вафот этган. Очлик ва яланғочлик, бир бурда нонга муҳтожлик туфайли болалар жабр кўришмоқда.

Москвага қайтди

Сочида даволанган Россия Президенти Борис Ельцин ўтган куни кечқурун Москвага қайтиб келди. Президент 30 октябрдан бери врачларнинг тавсиясига кўра таътилда эди. Давлат раҳбарининг матбуот котиби Дмитрий Якушкиннинг хабарига кўра, Борис Николаевичнинг саломатлиги жойида, кайфияти яхши. Борис Ельцин 12 ноябрь куни Япония бош вазири Кейдзо Обути билан учрашишга тайёр.

Офат ҳамон ҳуруж қилмоқда

Украинанинг ғарбида — Карпатортида 5 кундан буён тошқинлар давом этмоқда. Айниқса, Тисса дарёсининг суви 60 сантиметрга кўтарилиб кетди. Натижада уч киши ҳалок бўлди. 24 минг киши кўчирилди. Тошқин натижасида 118 шаҳар ва қишлоқ зарар кўрди. 800 та уй, 20 та кўприк, 340 километр автомагистрал, 46 аҳоли пункти вайрон бўлди. Тошқиндан 400 минг киши зарар кўрди. Украина ҳукумати табиий офат оқибатларини тугатиш учун 2500 қутқарувчини юборди. Зарур ишлар учун 1,2 миллион гривен (400 минг доллар) ажратилди. Яқингинада Тисса дарёси бўйларидаги тошқиндан жиддий зарар кўрган Венгрия ҳам Украинага 250 минг долларлик инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

Расмий музокаралар бошланди

Қувайт нефть вазири шайх Сауд Носир ас-Сабоҳ АҚШ билан расмий музокаралар бошлади. У Америка нефть компаниялари раҳбарлари билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича учрашувлар олиб боради. Шайх Носирнинг айтишига кўра, унинг мамлакати чет эл сармояларини Қувайтга жалб этишга орзуманд эмиш. Мамлакатда 2005 йилга бориб, ҳар куни 3 миллион барреллдан нефть қазиб олишга эришилмоқчи. Қувайтдаги нефть заҳиралари 100 йилга етиши мумкин. Қувайт ҳазинасига тушаётган маблағнинг 90 фоизи нефтдан келмоқда.

Журналист текшируви

Фермерлар пушаймон...ми?

Қуйи Чирчиқнинг бир чеккасидан Ангрен суви оқиб ўтади. Фермер Фарҳод Қосимовнинг уйи унинг ёқасида жойлашган. Ангрен суви балиқларга мўл экан. Айниқса, ёз ойларида борсангиз, думини қайира олмайдиган, йўғон балиқлар бу ерда кўпаяди. Фарҳод ака келаси йили балиқ боқаман, даромад қиламан, дейди. Яна бир қанча режаларни ўйиб ташлади. Гапидан тадбиркорликнинг енгидан тортган кўринади.

— Пахтани биринчи теримдаёқ бажардик, 5,5 гектардан 16,5 тонна топширдик, -деди биз берган саволга жавобан. — Туманда энг олди бўлдик. Буғдойдан 25 тонна олдик, ёмон эмас.

Лекин техникадан кўп қийналамиз. Экадиган, экин оралиғига ишлов берадиган агрегатларимиз йўқ. Мана, ҳозир буғдойни экиш керак, ери тайёр, аммо техника йўқлигидан тўхтаб турибди. Экиннинг эртаси яхши. Ҳосилдорлик ортади. Биз фермерлар кўпинча техника сабаб бўлиб, экишдан ҳам, ҳосил олишдан ҳам ортда қоляпмиз. Бу аниқ гап. Мухбир экансиз, сизга айтай, бу йилги буғдойни 13 сўмдан сотдик. Экиш учун уруғликни 40 сўмдан оляпмиз. Ё уруғлик нархини пасайтиришса ёки биз етиштирган буғдойимизни қимматроққа сотсак бўлмасмикин?

— Биз 10 сўмдан «Олтин бошоқ» корхонасига буғдой сотганмиз. Экиш учун ўртача 32-33 сўмдан олганмиз,- дейди «Озод» фермер хўжалиги бошлиғи Абдусодиқ Абдуллаев. — Харажат кўп, маҳсулот таннархи оз. 34 бош қорамолим бор. Пахта, буғдойдан ортган жойларга чорва учун зарур озуқалар экканман. Ҳозирги натижалар ёмон эмас.

Натижалар ёмон эмас, албатта. Лекин Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида «...фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда нарх белгилайди» дейилган-ку. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Туманда 150 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги қарорига биноан, тумандаги мавжуд фермер хўжаликлари фаолияти «Ер кодекси» ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги хатланиб, қайта рўйхатдан ўтказилди. Қарорда кўрсатилганидек, фермер хўжаликлари аттестациядан ўтдилар. Шунга кўра, 19 та фермер хўжалиги «синовдан» ўтолмади. Аниқроғи 10 таси мувофиқлиги тўғри келмай, 9 таси умуман бу аттестацияга қатнашиш истагини билдирмадилар.

Нега шундай?

Туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Абулқосим Аристонов билан суҳбат қурганимизда, ҳозирда мавжуд фермер хўжаликларининг 30 фоизи пахта теримида сусткаштликка йўл қўяётганини айтди. Сабаби, пахта териш машиналарининг етишмаётганлиги, ҳашарчиларни кутишаётган экан. Улар орасида фақат «Исроил» фермер хўжалигида ораликка ишлов берадиган агрегат бор, холос. Фермер хўжаликлари шартнома тузган жамоа хўжаликларида эса техникалар етишмайди. Бори ҳам иш қобилиятини йўқотган.

Биз суҳбатни узоқ чўзмай аттестациядан ўтмаган ва келиш истагини билдирмаган фермерлар ҳузурига отландик.

— «Ўжакент» жамоа хўжалиги билан шартнома тузгандик, — дейди «Тежамкор» фермер хўжалиги бошлиғи Улуғбек Умаров. — Раис олдига қайта-қайта боришимга қарамай, ҳали уруғлик буғдой ололганим йўқ. Ерни экишга тахт қилиб қўйдик. 120 минг сўм пулимиз бор эди хўжаликда. Хўжалик эса на пулдан, на буғдойдан, на ёқилғидан кўмак берай демайди. Харажатлар эса ёнимиздан— нақд пулга бўлаяпти. Бизга ким қарашади ўзи? Тўғри аттестациядан ўтолмадик. Сабаби чорва моллари сони етмайди-да. Ўйлаб кўринг, қандай қилиб мол сонини кўпайтирамиз, ҳар йили пахта билан буғдой эктирса. Менга чорва ўнғайроқ эмасмиди? Баъзан қилаётган меҳнатингга ачиниб кетасан киши.

А. Аристонов айтган «қийналиб» қолган фермер хўжаликларидан бири шу экан-да деб ўйладим. Наҳотки қолган «қийналиб» — аттестациядан ўтолмаган бошқа фермерларнинг ахволи ҳам шундай бўлса? Биз бу саволга аниқлик киритиш мақсадида яна дала айландик.

«Пахтачи» жамоа хўжалигидаги «Гулистон» фермер хўжалиги, «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги «Ажахун» фермер хўжалиги, «Ўжакент» жамоа хўжалигидаги «Искандар» фермер хўжалиги бошлиқларини излаб, анча саргон бўлдик. Пахта мавсумида ҳамма ҳосилни тезроқ йиғиб олишга ҳаракат қилсаю, бу фермерлар қаерда юрибди экан?

Уюшма раисининг изоҳ беришича, бу каби фермер хўжаликларининг аксарияти 2-3 йиллик режани бажармаган. Маҳсулот бера олмаган. Оқибатда ерни ташлаб кетишган ёки бошқа соҳага ўтиб кетишган. Жумладан, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидаги «Сарвиноз» фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён боғдорчилик билан шуғулланарди. Нима бўлдию, бошлиқ (Г. Шарипова) ишни таққа тўхтатиб қўйди. Ҳеч нарса экмади. Ҳозир у ерга жамоа хўжалиги қараяпти. «Қамчибеков» фермер хўжалиги ҳам ҳеч нарса экмай ташлаб кетган. «Зуҳро», «Умиш», «Беҳзод-1» фермер хўжаликлари ҳам...

«Искандар» фермер хўжалиги далаларини кўриб ҳайратландик. Ғўзалар ўт орасида кўринмай кетган. Бошлиқ Фахриддин Асраевни уйида ҳам, даласида ҳам учратмадик. Ўрилган ғалла майдони оёқ ости қилинган. Қизиқ бундай фермер хўжаликлари тақдирига ҳеч ким қизиқмадимикан? Биз бу саволга жавоб топа олмадик. Бироқ қуйида «Дюгай» фермер хўжалигидаги кичик бир лавҳани келтириб ўтмоқчимиз. Балки бу юқоридаги саволга бироз бўлса-да аниқлик киритар.

— Менинг олдимга бошқа бировни етаклаб келманг, -дейди «Дюгай» фермер хўжалиги бошлиғи уйидан чиқиб келаётган кексароқ бир киши (кейинчалик бу кишини Анатолий Дюгай деб таништиришди). Маълум бўлишича, хўжалик ўғлининг номида экан. — Мендан ҳеч нарса сўраманглар.

— Ўғлингиз қаерда? -сўраймиз ундан.

— Билмадим. Юргандир Россиядами ё ...

— Нима қиляпти у ёқларда?

— Тижорат бўлса керак. Бошқа нима ҳам қиларди.

— Ие, бу ердаги ишларчи?

— (Қўл силтайди.) Ўтган йилдан 500 минг сўм колхозда (!) ётибди. Ундириб олинглар. Бир тийин ҳам бермаяпти-ку. Қандай ишлаймиз. Уришиб бўлмаса, судга бормасак... (андиша қиламиз демоқчи).

Бултур гектаридан 32-33 центнердан пахта, 38-40 центнердан ғалла ҳосили олдик. Пули ҳамон колхозда. Ўғлимга келсак, келиб қолиши керак.

— Бирор жойга мурожаат қилдингизми?

— Кимга? Ҳокимиятгами? Биламан ўтган йили бир нечтаси бориб, «...олишган» эди.

Уюшма раиси муовинига қарадим.

— Ҳокимиятнинг хабари бор. Маҳсулотни олгандан кейин пулини ҳам тўлаш керак-да. Колхозда эса пул йўқ.

Биз бу мисолларни бежиз келтирмадик. Чунки, шу йилнинг апрель ойида қабул қилинган юқоридаги қонунда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) фермер хўжаликларига хомашё, техника ва бошқа зарур агротехник хизматларда кўмаклашиш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Ҳали у,ҳали бу йўқ деб баҳона қилиш билан иш битмайди. Кўриниб турибдики, аксарият фермер хўжаликларида техника ёки бирор имконият етарли эмас. Хас пўшлаш эмас, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш керак.

Балки юқорида тилга олинган ерини ташлаб кетган ёки фаолиятини тўхтатган фермерларни тўла оқлаб бўлмас. Уларнинг бундай аҳволга тушишига ўзлари ҳам айбдордир. Лекин биз бу билан чекланмаймиз. Ахир фермерлик фойда, манфаатдорлик манбаи эмасми? Манфаатдорлик эса самара беради, фермерга ҳам, давлатга ҳам.

Сиз нима дейсиз?

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХОРАЗМ: Уйғонаётган руҳ

Одатда ижод аҳли — ёзувчилар, муҳбирлар вилоятларга боришганида дастлабки мулоқот вилоят ёки туман раҳбарлари билан бўларди. Собиқ иттифоқ даврида бу усул қатъий бир изга тушган бўлиб, обкомбува, райкомбувалар муҳбир ёки ёзувчи Тошкентда ҳали йўл паттасини олмай турибоқ, ким келаётганидан хабар топишар ва учрашувга «алоҳида» тайёргарлик кўришар эди. Аэропорт ёки вокзалда сизни кутиб олиб тўппа-тўғри «каттакон»нинг маҳобатли қабулхонасига олиб боришар, у ерда анча-мунча сабр қилганингиздан кейин ичкарига таклиф этилар эдингиз. Раҳбар тўрдаги тахтиравон — юмшоқ креслодан вазмин кўтарилиб, келганингиздан хурсанд ёки хурсанд эмаслигини асло билдирмаган ҳолда сизга қўл чўзарди. Бироз расмий бўлса-да, ҳол-аҳвол сўрашилганидан кейин суҳбат бошланар ва сиз ярим соатга етар-етмас вақт ичида қаерга бориш керак, ким билан учрашиш керак, нимани ёзиш керагу, нимага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини жуда яхши англаб олардингиз. Ўзбошимчалик қилиш одобдан эмас эди, ўзингизча бошқа мавзуларга ўтиб кетсангиз, кўзда тутилмаган хўжаликлар, корхоналар томон йўғналаб қолсангиз, бу ҳаракатларингизнинг олди силлиқкина олинар эди.

Тошкентдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг маҳобатли янги самолётида Аму қирғоқлари томон учар эканмиз, уч ҳамроҳ айни шу ҳақда мулоҳаза қилиб бордик. Аммо, бу гал бизни мутлақо бошқача кутиб олишди. Кутиб олувчилар бизнинг эски қадрдонларимиз — қаламкашлар эди. Шундай бўлса-да, хаёлимизда «Ҳозир тўппа-тўғри ҳокимнинг ҳузурига олиб боришса керак» деб ўйладик. Ҳатто «Искандар Юсупович билан қачон учрашамиз?» деб сўрадик ҳам. Ҳамроҳларимиз учрашув сафаримиз оёқлаганда бўлишлигини айтишди.

Алқисса, оқшом. Шаҳар чироқлари сон-саноқсиз шода гавҳарлардай чарақлаб ётибди. Машиналар текис, кенг йўлларда Амударё шамолидай тез еладди. Ҳа-ҳу дегунча марказни кесиб ўтиб, катта йўлдан чапга бурилдик-да, сердарахт боғ дарвозасидан кириб, оппоқ қаср зинапоялари тагидаги майдончада тўхтадик.

Бу боғ ва меҳмонхона бизга эскидан таниш. Бизни сулув бир жувон ва шинам кийинган бир йигитча кутиб олдилар. Жойлашдик. Кейин ўрта хонадаги узун стол атрофида суҳбат бўлди.

Мезбонлар ҳокимнинг яқинда иш бошлаган шакар заводига кетганини айтгач, бу ноёб корхонанинг тез муддатда қурилганини ва маҳсулот бера бошлаганини, лекин ҳали чала ишлар, ечилмаган муаммолар ҳам борлигини, чунончи, Украина Қирғизистон ва яна бошқа лавлагикор ўлкалар билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўзлай бошлайдилар.

Эртасига эрталаб Гурлан ва Шовот сафарига йўл олдик. Ўша куни бу туманлардаги «Амударё» ва «Хоразм» жамоа хўжаликлари пахта ва шоли етиштириш бўйича режаларни уддалаб байрам қилишаётган экан.

«Амударё» хўжалиги аъзолари бу йил 1025 гектар майдонга пахта экиб, бугунгача давлат омборларига 3050 тонна ҳосил тўкишибди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ошибди. Жамоа шоликорларининг шоли ҳирмони эса 800 тоннадан ортиқ.

Хўжалик раҳбари Эрмамат Содиқов ишнинг кўзини биладиган, кимга қандай топшириқ бериш кераклигини яхши англаган раҳбарлардан экан. Қисқагина суҳбат чоғида асли касби врач бўлса-да, қишлоқ хўжалигига, деҳқончиликка оид илмларни пухта эгаллаганлиги маълум бўлди. Гапдан гап чиқиб, газета-журналларга обуна бўлиш масаласи кўтарилганида раис дадил туриб «Э, ёшуллилар, одамларимиз меҳнат қилишни ҳам, газета ўқишни ҳам яхши билишади. Сизлар газеталарни бирбиридан мазмунли қилиб чиқараверинглар, обуна бўлиш биздан» деди. Илғорларни сўрагани-мизда Мурод Тўраев, Гулим Қўчқоров, Мурод Бобожонов каби пахтакорларни тилга олишди.

Шовот туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида ҳам катта тўй устидан чиқиб қолдик. Режалар уддаланганлиги сабабли одамлар колхоз клубига йиғилиб, бир-бирларини самимий қутлашаётган экан. Пойтахтдан адиблар келишибди, деган хабар бир зумда чор-атрофга тарқаб, тумонат одам йиғилди. Куй қўшиққа, шеър қутловга уланиб, ажойиб учрашув бўлди. Баъзан «одамлар китоб ўқимай қўйишди, газеталарни-ку мутлақо варақалашмайди» деган гаплар қулоққа чалинади. Тўғри, ўқимайдиган одам «мана бу китобда олтин топишнинг сири ёзилган экан» десангиз ҳам ўқимайди. Ўқийдиган, китобларни қадрлайдиган ўқувчи эса ҳар қандай шароитда ҳам ўзини бу маънавий озуқадан бебаҳра қилмайди. Хоразмда бўлган учрашувларда оддий қишлоқ йигитлари, пахтакор қиз-жувонлар адабиётимизнинг бугунги муаммолари, собиқ мафкура таъсирида ёзилган асарлар, улардаги қаҳрамонларга бугунги муносабат тўғрисида саволлар беришдики, бундан фақат хурсанд бўлиш керак.

Гурлан тўқимачилик ҳиссадорлик корхонаси чин маънода мўъжиза бўлибди. Албатта, дунёда, иш жумладан Оврўпада, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган Германия, Италия, Швейцария каби саноати ривожланган мамлакатлардан бундай ва бундан ҳам улканроқ тўқимчилик корхоналари кўп. Лекин улар хомашёни бошқа узоқ мамлакатлардан олиб келадилар. Бу ерда, Гурланда эса пахтазорлар корхонага шундоқкина туташган.

Корхонани, унинг моҳир эгалари — Хоразм ёшларини кўриб улар билан Маданият саройининг кенг клубида учрашиб, қизғин мушоирада қатнашиб, ижодий баҳслар ўтказиб, ниҳоятда мамнун бўлдик.

Алқисса, ўша куни пахтакорлар, шоликорлар, боғбонлар, балиқчилар, зиёлилар билан учрашиб, суҳбатлашиб, мурод ҳосил бўлгач, тунда Урганчга, меҳмонхонамизга қайтиб келдик. Учрашувлардан олган таассуротларимиз беҳисоб, суҳбатларда кўтарилган муаммолар бир дунё.

Мезбонлар бизни тунда меҳмонхонада қолдириб кетдиларда, саҳар паллада яна етиб келишди.

Бугунги дастуримиз ҳам ранг-баранг, Хивага борамиз, Ал-Маъмун академияси билан танишамиз. Шаҳар кезар эканмиз, баногоҳ замонавий бир бино пештоқидаги «1004 йили ташкил бўлган» деган ёзувга кўзимиз тушди.

Бизни Хоразмнинг моҳир ўймакорлари ясаган жилвали, жимжима нақшли, дарвозалари ланг очилган кошона бинода «Дорил ҳикма ва маориф» ёки «Мажлиси уламо» деб аталмиш, кейинчалик «Хоразм Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлган академия раҳбарлари кутиб олдилар. Илиқ сўрашишлар кетидан қайноқ суҳбат бошланиб кетди.

Академия раҳбари Азимбой Саъдуллаев «Дорул ҳикма ва маориф» ёки «Мажлиси уламо» — ҳозирги «Хоразм Маъмун академияси» номаи аъмолини мароқ ила гапира кетди.

Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши Хоразмшоҳлар ичида энг маърифатпарвар, илм-фан шайдоси бўлмиш Али ибн Маъмун ва подшоҳзода Абу Насрнинг фаолиятига боғлиқ экани ҳаммага аён. Унинг гуллаб яшнай бошлашида, илмгоҳдан академия мақомига ўтишида эса Абу Насрнинг шогирди Абу Райҳон Беруний бош-қош бўлган.

Хоразм «Маъмун академияси» ал-Беруний раҳбарлигида «Байтул Ҳикма» академияси ишининг меросхўри, давомчиси сифатида катта ишлар қилди. Маълумки, Ўрта асрлардаги «Уйғониш даври» да ташкил топган ва кейинчалик Ал-Маъмун даврида камолотга етган «Байтул Ҳикма» Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Яҳё ибн Мансур, Холид ал-Марваррудий, Сандал ибн Али, Аббос ал-Жавҳарий, Яҳё ибн Аксам, Абу Жаъфар Хуросоний, Абул Фотиҳ Исфаҳоний, Қози Ҳаммод, Аҳмад ал-Марвазий каби буюк олимларнинг машҳур асарлари билан гуллади.

Хоразм Маъмун академиясида фалакиёт, математика, геодезия, фалсафаю адабиёт соҳасида катта ишлар олиб борилади, фаннинг турли соҳаларида илмий рисолалар, китоблар чоп этилади. Хоразмда тарих ва фалакиёт илми камол топади, Хоразм олимларининг довруғи кенг тарқалади. Аммо буни кўролмаган кучлар ҳам кўпаяди.

Академия ва унинг буёк олимлари довруғи шуҳратпараст, ҳасадчи Маҳмуд Ғазнавийнинг тинчини бузади. У ҳар хил йўллар билан Хоразм олимларини ўзига оғдириб олмоқчи бўлади ва бунинг учун Хоразмшоҳга қарши фитналар уюштириб, уруш чиқаради ва бу урушда Хоразмни забт этиб, минглаб бандилар, асирлар олиб юртига қайтади. Асирлар орасида баҳодир зобитлар, аскар ва олимлар, ёш-ёш қиз-жувонлар қаторида машҳур олим, Маъмун академияси раҳбари Абу Райҳон Беруний, Абу Носир ибн Ироқ, Абдусамад каби олимлар ҳам бор эди. Туя устида қоматини тик қилиб бораётган Абу Райҳон Беруний соқчилар назоратида кажаваларда ўтириб инграб бораётган асир қизлар ҳолатига ачинади, аммо тақдирга тан беришга мажбур эди. Сочларини қиров босган Абу Носир ибн Ироқ рўмолчага тугик она-юрт тупроғини бағрига босиб, жонажон Ватани билан бўзлаб видолашар эди.

Шундай қилиб, атиги 15 йил яшаб улгурган Хоразм Маъмун академияси Ғазнавий фитнаси қурбони бўлди. Аммо яхшилик унутилмайди.

Ўзбекистон Истиқлолга эришиб, мустақил давлат бўлганидан кейин барча яхшиликлар, қадриятларимиз қатори Хоразм Маъмун академияси ҳам халқимизга қайтариб берилди.

— Президентимиз Фармони асосида машҳур Маъмун академиясининг қайта ташкил қилиниши ўзбеклар ҳаётида, Хоразмнинг бой тарихий анъаналарини ўрганиш борасида муҳим воқеа бўлди, — дейди академия раҳбари. — Юртбошимизнинг тарихчи олимлар билан учрашуви, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳаққоний яратиш масаласи юзасидан билдирган фикрлари академия олимлари олдига катта масъулият юклайди.

Ислом Каримов «Ўзбек давлатчилигининг асоси, фундаменти Хоразмда ётади», деб бир неча марта асосли равишда таъкидлади. «Авесто»ни, миллий қаҳрамон Тўмариснинг ватани бўлган Хоразм халқимиз тарихида салмоқли ўринни эгаллаши табиийдир. Демакки, бу ерда илмий изланишларнинг йўналиши энг қадимги тарихимизга қаратилиши зарур.

Маъмун академиясидан кейин Хиванинг муқаддас масжид-мадрасаларини, бетакрор ёдгорликларни зиёрат қилдик, Паҳлавон Маҳмуд қутлуғ даргоҳида улуғ аллома тарихини бутун тафсилотлари билан эсладик, рубоийларини ёддан ўқидик, уларни форсийдан ўзбек тилига таржима қилган Тўхтасин Жалолов, Шоислом Шомуҳамедов каби аллома шоирларимиз меҳнатига таҳсинлар айтдик. Шундан кейингина Хоразм вилояти ҳокими Искандар Юсупов билан учрашувга йўл олдик.

Шаҳарнинг чеккарофида, йўл бўйида оддийгина бир қаватли уй. Ярим очиқ пастгина дарвоза. Шу ерда тўхтаган машинадан чиқиб, дарбоза томон юришимиз билан ҳовлидан Искандар Юсупов ва яна икки киши — ҳоким ўринбосари, ёрдамчиси чиқиб келдилар.

Разм соламиз: ўша-ўша, Тошкентда кўрганимиз Искандар Юсупов, фақат бироз озган, кўзларидан кам ухлагани, чарчоқлиги шундайгина сезилиб турибди. Лекин сирни бой бермади. Лабида табассум, ҳорғин кўзлари тийрак.

«Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан

Иссиқ қўл олишув, «ҳорма-бор бўл!»дан кейин ҳоким бизларни меҳмонхонага таклиф қилди.

Сухбатимиз бизга яқин мавзудан бошланди. Яқинда Хоразмга Эркин Воҳидов, Омон Муҳтор келибдилар. Қизғин адабий учрашувлар, баҳслар бўлибди.

— Халқимиз шоир, ёзувчиларни орзиқиб кутади, шеър, достон, ҳикоя, қиссаларингизни севиб ўқийди, — деди ҳоким. — Адабиёт бизнинг маънавий мададкоримиз, руҳий чанқоғимизни қондирувчи чашма.

Бизнинг ҳокимга берадиган саволимиз битта:

— Машъал Хоразмга нима бўлди?

Албатта, бу савол тагида асосан пахтачилик назарда тутилади. Ахир, Хоразм ҳамиша машъал бўлиб келган-ку! Агар, масала фақат об-ҳавога бориб тақаладиган бўлса, октябрь бошларида тўсатдан келган совуқдан нега хоразмликлар ғафлатда қолдилар? Ахир, тажрибали деҳқонларнинг бундай тасодифий офатларга қарши чоралари бор-ку?

Бу саволни юмшатиброқ, одоб билан бердик.

Ҳоким чуқур ўйга толди. Унинг чеҳрасидан анча ташвиш тортгани, ҳоригани янада ҳам яққолроқ сезилди.

— Ҳа, об-ҳаво бу йил бизни сийламади, қаттик имтиҳон қилди — дейди ҳоким. — Одамлар ҳам катта меҳмон қилдилар. Ҳосил учун кураш ҳамон давом этмоқда. Йўлда кўргандирсизлар, ҳосили йиғиштириб олинган далалар тозаланиб, шудгор қилинаётир...

Йўлларда одамларни кўп учратдик. Ҳамма бир иш билан банд. Кейинги йиллар ичида Хоразмда ҳосилдор боғлар янада кўпайибди. Боғлар ичига экилган кузги буғдой ниш уриб турибди. Бу тажриба бизни анча қизиқтириб қолди. Айниқса, янги барпо этилган боғларда бу усулни қўллаб, қўшимча ҳосил олиш мумкин экан.

Сафаримиз чоғида бизга ҳамроҳлик қилган Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғайрат Машарипов, Гурлан тумани ҳокими Реимбой Қўчқоров, партиянинг фаол ташкилотчиларидан Ўғилжон Аллабергенова, вилоят мусиқали театри бош директори Қурбон Муҳаммадризо, таниқли журналист Рустам Искандаров ва бошқалар (бу рўйхатда Ошиқ Эркиннинг йўқлигига ажабланманг, у киши биз бўлмаган туманларда пахтакорларни «ҳорма — бор бўл!» қилиб юрган эканлар) бизга вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг эртанги истиқбол кунларига ишончи, баланд кайфияти тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар.

Вилоят миқёсида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалдаги натижаларини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойи ичида 14,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришилди. Меҳнат унумдорлиги 29 фоизга ўсди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камайди. Йил бошидан бери 627 минг квадрат метр турар-жой, 6132 ўқувчига мўлжалланган мактаблар қурилди, 136 километр узунликда сув, 130 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди. Гўшт, сут, тухум, картошка, буғдой, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Аҳолига маданий-маиший, савдо, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди.

Эътироф этиш керак, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Тўққиз ой ичида мавжуд 111 та корхонадан 23 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш 328 миллион сўмга камайиб кетди. Саноат маҳсулотлари турлари кўпайиш ўрнига камайиб бормоқда. Бозорни ўрганмасдан туриб, таваккалига иш тутиш натижасида омборларда кераксиз моллар туриб қолмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра вилоят саноат корхоналарида салкам 2 миллион сўмлик маҳсулот сотилмай ётибди.

— Хоразм халқининг қўли гул, — дейди Искандар Юсупов, — ҳунари йўқ, қўлидан бир иш келмайдиган бирор кишини учратмайсиз бу ерда. Ўйин тушишни ҳам, меҳнат қилишни ҳам қойиллатишади. Ҳозир вилоятда янги, қўшимча ишчи ўринлари яратиш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Бизнинг моҳир усталаримизга харидор кўп. Имконият-дан тўғри ва тўла фойдаланишимиз керак.

Бу фикр бизнинг ҳам фикримиз эди.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Иброҳим РАҲИМ,
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Қадим шаҳарлар зиёрати

(Давоми. Боши 1-бетда)

иморатлар янглиғ кошоналар қурибди. Бу бутун дунёдан келиб ўрганишга арзигулик тадбирдир.

ЮНЕСКО Бош директори имом ал-Бухорий меъморий ёдгорлигининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Мазкур китоб энди шундай сўзлар билан бойиди:

«Мен ўзбек усталари яратган ушбу мўъжизани бутун дунё аҳли келиб кўришини истайман. Имом ал-Бухорий ҳақиқатан ҳам буюк шахс эди. Ўзбек халқи ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу буюк шахсни башариятга яна қайтарди! Федерико Майор, ЮНЕСКО Бош директори. 1998 йил 7 ноябрь».

Бу ерда Ф. Майорга Қуръони Каримнинг ноёб нашри туҳфа этилди. Шундан сўнг ЮНЕСКО делегацияси аъзолари улуғ мунажжим ва давлат арбоби, дунёга машҳур «Зижи Кўрагоний», яъни юлдузлар жадвалини тузган аллома Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг хотира музейи, маҳобатли Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуи, Регистон майдони, Гўри Амир мақбарасини катта иштиёқ билан кўздан кечирдилар. Меҳмонлар, шунингдек, «Сиёб деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятида ҳам бўлдилар. Бозорнинг тўкин-сочинлиги, Самарқанд тупроғининг саховати бўлмиш сархил мевалар, Самарқанднинг донгдор нонларидан татиб кўриш барчага манзур бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида «Афросиёб» меҳмонхонасида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти Академик кенгашининг сессияси бўлди. Уни институт директори академик А. Аҳмедов очди. Анжуманда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўзга чиқиб, институт фаолияти, бу ерда олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар самараси ҳақида тўхталди. Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги, маданий, илмий алоқалар натижалари тўғрисида гапирди. Анжуман давомида институт фаолиятига доир ҳисобот тингланди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

БУХОРО. Кўҳна Самарқанд зиёратидан сўнг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ҳамда ушбу ташкилот Ижроия Кенгашининг раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзолари қадим Бухорога келдилар. Аэропортда меҳмонларни вилоят ҳокими С. Ҳусенов кутиб олди.

Меҳмонлар қадим Бухоронинг ноёб обидалари — Масжиди Калон, Арк, Лаби Ҳовуз, Мир Араб мадрасаси, Тоқи Заргарон каби қадамжоларни қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилдилар, уларнинг тарихи, архитектураси билан қизиқдилар. Шунингдек, меҳмонлар Нодир Девонбеги тарихий мадрасасига ташриф буюрдилар. Бу ерда ташкил этилган бухоролик ҳунармандлар кўргазмаси меҳмонларда катта таассурот уйғотди. Кўргазмадан бухоролик мусаввир Арслон Рамазонов ижоди намунаси — Федерико Майорнинг қоракўл терисидан тайёрланган портрети ҳам жой олган эди. Муаллиф бу асарини Федерико Майорга ҳадя қилди.

Бухоро сафари ниҳоясида Федерико Майор ЎзА мухбирига қисқача интервью берди:

— «Ўзбек ўзига бек» деган гапни эшитганман, — деди Федерико Майор. — Унинг замирида қандай маъно ётганини ушбу ташрифим чоғида янада кенгроқ англадим. Яъниким, бу гап халқнинг эркини, ўз-ўзини назорат қила билишини англатади. Ўз-ўзини назорат қилиш эса кўзланган мақсад сари собит-қадам ташлаш, бу йўлдаги тўсиқларни сабр-матонат билан енгиш ва бошқа кўп жиҳатларни ўзида мужассам этадики, буларсиз тараққиётга эришиш мумкин эмас. Мен Ўзбекистон халқига, қадрдон дўстим Президент Ислом Каримовга буюк давлат барпо этиш йўлида куч-қувват, муваффақиятлар тилайман.

Шу куни меҳмонлар Парижга жўнаб кетдилар.

Ҳамза ШУКУР, Илҳом САФАР,
ЎзА мухбирлари

Ўзимизга боғлиқ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маврака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш борасидаги Фармонининг мамлакатимиз жамоатчилиги диққат-марказида туриб келаётганлиги бежиз эмас. Ҳужжатда кўтарилган масалалар ҳар бир оила, ҳар бир фуқарога дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Чунки, инсон зоти жамиятдан ташқарида яшай олмайди, унинг қонун-қоидалари ва расм-русумларига риоя қилишга мажбур. Ҳар қандай хурсандчиликни ҳам, қайғули ташвишни ҳам қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалладошлари билан баҳам кўради, ёши улуғлар, оқсоқоллардан маслаҳат олади, кези келганда ўзи ҳам фикр билдиради, тавсиялар беради. Одатда, бирон-бир масала юзасидан «Одамлар нима дейдилар?» — деганда биринчи навбатда маҳалладошларнинг фикри-ҳукми кўзда тутилади. Ва, мана шу қатъий қоида, битилмаган қонун кишиларни ножўя хатти-ҳаракатлар, нотўғри қадамлардан сақлаб қолиши кўп марта қузатилган.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, маҳалладаги ҳар бир катта-ю кичик воқеа, ҳар бир ҳодиса, ҳаттоки улар чор девор ичида рўй берса ҳам, барчага, ҳеч бўлмаганда кўпчиликка, маълум. Демак, одамларнинг қаерда ишлаши, нима билан шуғулланиши, топиши-ю ейишиичиши маҳалла аҳлига сир эмас. Баъзида баланд деворли кўрғонча-қасрлар ва кўп қаватли бинолар ичида нима бўлаётганини ҳеч ким билмайди, деб ўйлашади. Аслида бундай эмас. Жамоатчилик улардан ҳам воқиф. Шу жумладан, миллий урф-одат ва анъаналаримизни менсимасдан даблабали тўй-томошалар ўтказаётган, марҳумлар хотирасига бағишланган маросимларни ўзларининг шубҳали йўллар билан йиққан мол-дунёсини кўз-кўз қилиш воситасига айлантираётган кимсаларнинг юриш-туришидан ҳам хабардор.

Шундай экан, бугун матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали ёки мажлису кенгашларда сўзлаётган нутқларида турмушдаги ушбу иллатларни қоралаётган давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, қолаверса, биз фуқаролар қаерда эдик? Нега тўйларимизни бетартиб ўтказишга чорлаган овозларни эшитмадик? — деган саволнинг туғилиши табиий. Жорий йилнинг ўрталарида Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов шу масала юзасидан «Ўзбекистон овози»да катта мақола билан чиққанида, тўйларни ўтказишда бошдан оёқ иштирок этувчи маҳалла фаоллари-нинг индамай юраверганликлари кўпчиликка маълум.

Шу ўринда яна бир нарса — Фармонда кўрсатилган нохуш аҳволнинг айри олинган баъзи жойлар билангина чеклаб қўйиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Лекин, бундай қилиш мутлақо нотўғри бўлар эди.

Чунки, йўлбошчимиз имзолаган ҳужжатда тўй-маъракаларни ўтказишдаги салбий ҳолатларнинг «мамлакатимизнинг кўп жойларида» мавжудлиги қайд этилган. Ҳар ҳолда, касаллик кенг тарқалмаганида бундай олий Фармонга зарурат бўлмас эди. Демакки, у умумдавлат, умумжамият аҳамиятига молик ҳужжатдир.

Фармоннинг айни муддао бўлганлиги шубҳасиз. Мен шу ҳақда ким билан сўзлашмайин, ҳамма якдиллик билан унинг муҳимлигини таъкидлаб, юртбошимизга миннатдорчилик билдирмоқда. Бу жуда яхши, аммо етарли эмас, деб ўйлайман. Зеро, энди ишнинг қийин, яъни Фармонни ҳаётга татбиқ қилиш қисми бошланади. Уни уддалаш эса нафақат давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, балки республикамизнинг ҳар бир оиласи, ҳар бир фуқаросидан, қисқаси, ҳар биримиздан бу муҳим умуммиллий ишда фаол иштирок этишни талаб қилади. Агар ҳар биримиз оилавий тантаналарни, тўй-маъракаларимизни ота-боболаримиздан мерос қолган анъаналарга мувофиқ — ихчам (асосан оила аъзолари, қариндош уруғ ва яқин дўстлар даврасида, бир неча кунга чўзмасдан), камчиқим (ортиқча сарф-ҳаражат ва исрофгарчиликка йўл қўймасдан), камтарона (дабдаба ва шовқин-суронсиз), чиройли қилиб (ахлоқ-одоб талабларига жавоб берувчи мусиқа, ашула ва ўйинлардан меъёрида фойдаланиб) ўтказсак, бу бизнинг Фармонни бажаришга қўшган салмоқли ҳиссамиз бўлади. Агар маҳалла оқсоқоллари, фаоллар бу ишга бош-қош бўлиб, Фармоннинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқарога етказсалар, ёшларни шу руҳда тарбиялашга ҳаракат қилсалар, қонун-қоидалар ва жамоа фикрини менсимаётганларни тартибга чақириб, шундай кимсалар атрофида жамоатчиликда тўғри фикр-муносабатни шаклантиришга эришсалар, уларнинг ҳаётимиз ушбу соҳасининг истиқлолга монанд ва гўзал бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлари, албатта, самарали бўлади.

Азиз ватандошлар! Маърифатпарвар аждодларимиз ўгитларига, миллий ва умумбашарий қадриятларга, халқимизнинг юксак маънавий анъаналарига ҳамиша риоя қилайлик. Маданий-маърифий ҳаёт кечирувчи комил инсонлар бўлишимиз, авваламбор, ўзимизга боғлиқлигини бир дақиқа ҳам унутмайлик!

Собир ҚУРБОНОВ

Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Т-П ТРАСТ» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси Кузатув кенгашининг қарорига биноан 1998 йил 12 ноябрь соат 10.00 да «Т-П ТРАСТ» ЁАЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

- «Т-П ТРАСТ» ЁАЖнинг номини ўзгартириш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22. 08. 1998 йилдаги 361-сонли қарорига асосан «Т-П ТРАСТ» ЁАЖ низомига тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш.
- Ҳар-хил масалалар.

Манзил: *Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кучаси, 18-уй.*
«Т-П ТРАСТ»
мажлислар зали.
☎ 50-17-97

Кузатув кенгаши

Партия ҳаёти

Етти йилликка бағишланди

Мирзо Улуғбек туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг етти йиллигига бағишланган тантанали мажлисда бошланғич партия ташкилоти котиблари, корхона раҳбарлари, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, оқсоқоллари, олий ўқув юртлари, ректорлари ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, олимлар, академиклар қатнашдилар. Мажлисда партиянинг етти йил ичида босиб ўтган йўли, унинг келгусидаги режалари ҳақида атрофлича гапирилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, адиб Иброҳим Раҳим сўзга чиқиб, яқинда Хоразм воҳасига бориб Маъмун академиясида бўлганини айтиб берди. Унинг сафар таассуротлари мажлис қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Олимлар номидан сўзга чиққан Умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик Зокиржон Салимов ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг Маъмун академияси ишига ҳисса қўшиш ҳақидаги чақириғига олимлар тайёр эканлигини билдирди. Чунки, Мирзо Улуғбек туманида йигирмага яқин илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, бу ёрдамни олимлар ўз бурчлари, деб қабул қиладилар.

Р. САТТОРОВА,
Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши биринчи котиби

Пахта — 98

Қолоқлик доғи ювилди

Бухороликлар Когон туманида кейинги олтиетти йилда пахта тайёрлаш режаси бажарилганлигини эслашолмайди. Чунки, туман қишлоқ хўжалиги қолоқлик ботқоғига ботган, кадрлар эса зада бўлишган, ҳатто ислоҳотлар самараси оқсоқлик соясида кўринмай қолганди. Бу ташвиш вилоят ҳокимлигини хушёр торттирди, кадрлар ўз ўрнига қўйилди.

— Бу ғалабага осонликча эришганимиз йўқ, — дейди туман ҳокими Ҳамид Равшанов. — Орият, иймон-эътиқод когонликларга яна қайтди. Шу боис ислоҳотлар моҳияти ҳис этилди. Ватанпарварлик ҳисси билан ишлаганимиз эвазига қолоқлик тамғаси олиб ташланди.

Ҳа, ҳаммасига ташкилотчилик, келажакка ишонч уйғотиш орқали эришилди. Давлатга 22800 тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик қарийб 28 центнердан ошди. «Бухоро», Баҳовуддин Нақшбанд номли, «Ўзбекистон», «Нурафшон», «Зарафшон», «Гулистон», «Когон» жамоа хўжаликлари туманнинг таянчи бўлдилар. Энди деҳқон елкасига офтоб тегадиган, қўли пул кўрадиган бўлгани учун барча хурсанд.

Дарвон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Эски Жўва бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг

Кузатув Кенгаши шуни маълум қиладики, жамият акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 24 ноябрь куни соат 10.00 да жамият бошқарувининг идорасида ўтказилади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. *Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 1998 йил 9 ойлик натижалари ҳақида Бошқарув раисининг ҳисоботи.*
2. *Вазирлар Маҳкамасининг 361-сонли қарори бўйича жамият ҳужжатларини мувофиқлаштириш.*
3. *Кузатув Кенгашига ўзгартириш киритиш.*
4. *«Жамият акцияларини меҳнат жамоаси ўртасида жойлаштириш» ҳақидаги Низомни тасдиқлаб олиш.*
5. *Ҳар хил масалалар.*

Акционерлар рўйхати 14 ноябрь куни билан бошланади.
Йиғилиш рўйхати тайёрланган барча ҳужжатлар билан «Эски Жўва бозори» ОТҲЖ ижроия органига мурожаат қилган ҳолда танишиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бозор майдони, 28-уй.

Тарих ўтмиш ва келажак кўзгусидир

Ўзликни англаш тарихдан бошланади... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлишдир.

Ислом Каримов

Президентимизнинг мазкур сўзлари тарих синовидан ўтган ҳақиқатдир. Зеро тарихдан маҳрум этилиб, ундан жудо бўлиш чоризм ва совет давлатининг ҳукмронликлари даврида яққол кўзга ташланди. Бу мудҳиш даврда оламшумул аҳамиятга молик кўп асрли тарихимиз камситилди ва сохталаштирилди. Миллий ҳис-туйғулар ва ўзликни англаш, сиёсий фаолиятлар ва ватанпарварлик сингари олий фазилатлар ҳибсга олинди.

Шу тариқа ўзбек халқи ўтмиш тарихидан, динидан ва миллий турмуш тарзидан ажратилиб, оғзига қулф ва оёқ-қўлларига кишанлар солинди. Шуни унутмаслик керакки, совет даврида мамлакатда инсоният шаънига иснод келтирадиган «социализм тузуми», яъни қулдорлик давлати ҳукм сурди. Худди мана шундай қалбаки ва даҳшатли тузумга мос ва хос тушадиган тарихий асарлар ва мақолалар нашр этилди.

Коммунистик партия ўзининг мустамлакачилик сиёсатини самарадорлигини таъминлаш учун тарих фанини ғоявий қуролга айлантириб кафедралар, факультетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил этди. Кўп фан номзодлари ва докторлари етиштирилиб, партия сиёсатини ва «социализмни» улуғлаш уларнинг зиммасига юклатилди. Тарихий вакилларни манбаларни холис ўрганиш асосида эмас, балки олдиндан белгилаб қўйилган марксизм-ленинизм методологияси ва партиянинг қарорлари нуқтаи назаридан ёритиш шарт қилиб қўйилди. «Фаннинг партиявийлиги» («Партийность науки») —деган шиорга риоя қилиш ҳар бир олимнинг муқаддас бурчи ҳисобланди.

Айтиб ўтиш лозимки, тарихни маълум бир сиёсий мақсад билан ўрганиш ва сохталаштириш чоризм даврида бошланган эди.

Масалан, 1895 йилда Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг биринчи мажлисида шундай деган эди: — «Мазкур тўгаракнинг ташкил этилишига бағишланган мажлисни очиш менга насиб этганлигидан бениҳоя хурсандман. Бу тўгаракнинг олдида муҳим вазифалар турибди. Тарих фани шу пайтгача Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисига доир маълумотларга эга эмас. Шу боис бизнинг тўгарагимизнинг асосий вазифаси Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи бўйича маълумотларни тўплашдан иборатдир.

Биламизки, Ўрта Осиё, Афғонистон, Балх, Марв ва бошқа қўшни жойлар буюклар наслининг бешиги ҳисобланган. Ўз даври учун юксак маданиятни яратган арийлар вақтларнинг ўтиши билан қулай шароит излаб Ўрта Осиёдан кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. Шундан кейин Шарқнинг олис жойларидан ёввойи галалар Ўрта Осиёга ўрнашиб арий маданиятини супуриб ташладилар. Бизнинг аждодларимиз — арийлар Овропага жойлашдилар. Шунинг учун бир вақтлар арий маданияти ривожланган Ўрта Осиёга тегишли маълумотларни тўплаш бизнинг вазифамиздир. Ҳозирда биз арий маданиятини қайтадан тиклашга даъват этилдик».

Кўриниб турибдики, генерал-губернатор Туркистон заминининг энг қадимий аҳолиси Туркий аҳоли эмас, балки «олий насл» — арийлар ҳисобланган деган. У «ёввойи галалар» иборасида туркий аҳолини, биринчи навбатда ўзбекларни назарда тутган эди. Шу равишда А. Б. Вревский ўзбекларни келгинди сифатида таърифлаб, Туркистон замини аслида европаликларнинг, хусусан Россиянинг қадимий ватани деган тутуруқсиз ва қулгили фикрни баён этган. Шубҳасиз, у бундай дейиш билан чор Россиясининг Туркистонда ҳукмронлик қилишига тарихий асоси ва ҳаки борлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Шунингдек, унинг Россия гўё тараққиётни таъминлаш мақсадида Туркистонни эгаллаганлигини англатмоқчи бўлганлиги аён бўлиб турибди.

Самарқанд вилоятининг ҳарбий губернатори Н. С. Ликошиннинг «Ривоятларга кўра Бибихоним келиб чиқиши ва диний эътиқоди бўйича русларга бориб тақалади» — дейиши ҳам чор Россиясини беҳуда улуғлашдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Чор маъмуриятининг ўзбек халқи маданияти тарихини йўқ қилишга ҳаракат қилганлигини қуйидаги мисол ҳам исботлайди. 1913 йилда зиёлилардан бири Туркистон генерал-губернатори С. Самсонов Самарқанд ёдгорликларини томоша қилаётганида маҳаллий халқ тарихий обидаларни таъмирлаш учун маблағ ажратишни сўраган. Бунга Самсонов — Рус давлати манфаати уларни сақлаб қолишни эмас, аксинча қўпориб ташлашни талаб этади деб жавоб берган. Шу дақиқада унинг адъютанти эса «обидаларни йўқ қилиш учун замбараклар ўқидан фойдаланиш лозим» — деб гапирган. Мана ўзларини Туркистонда «тараққиёт таратувчи» деб оламга жар солган босқинчиларнинг асл башараси очилиб қолди. Туркистон тарихини мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш совет даврида ҳам давом этди. Аммо, бу йўлга бирданига ўтилгани йўқ. Асримизнинг 20-40 йиллари охирларида коммунистик партия ўзининг ашаддий душмани бўлмиш чоризмнинг кишилар онгидаги таъсирини томомила кўпориб ташлаш учун унинг босқинчилик урушларини, мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмининг тарихини ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очиб берди. Ҳатто миллий-озодлик курашларнинг тарихи бўйича анча ишлар қилинди. Аммо асримизнинг 50-йилларидан бошлаб фанни сиёсатлаштириш ва улуғ миллатчилик сиёсатининг авжига миниши орқасида тарихни очиқдан-очиқ сохталаштиришга ўтилди. Бу ишнинг илк бор ташаббусчиси Москвада чоп этиладиган «Тарих масалалари» («Вопросы Истории») журнали ҳисобланди. 1953 йилда бу журналдан И. С. Брагинский, С. Ражабов, В. В. Ромодинларнинг «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив оқибатларига доир масалалар» номидаги мақолалари чоп этилди. «Рус бўлмаган халқларни, — дейилади унда, — Россияга қўшиб олиниши ҳақидаги масала катта сиёсий ва илмий аҳамиятга эгадир.

30-йилларда совет тарихшунослигида Покровский мактабининг қарашлари таъсирида кўрсатилган масала нотўғри ёритилган. Ўрта Осиёга бағишланган айрим ишларда чоризмнинг босқинчилик сиёсатини бир томонлама таърифлаш билан бир қаторда Ўрта Осиёнинг қўшиб олинишини прогрессив оқибатлари ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Айни пайтда, хон ҳокимиятини тиклашга, тарих ғилдирагини орқага айлантиришга, ваҳший феодал тартибларни қайта ўрнатишга қаратилган Султон Кенесари (1837-1846) ва 1898 йил Андижон қўзғолонлари ижобий баҳоланмоқда. Ваҳоланки, бу қўзғолонлар халққа қарши қўтарилган реакцион кураш эди. Кўрсатилган масалалар бўйича йўл қўйилаётган кўпол хато фикрлар чоризмнинг Туркистондаги сиёсатини қоралаш воситасида Ўрта Осиё жамоасидаги синфий қарамақаршиликни сийпаловчи, хонлар, бойлар ва монополларни идеаллаштирувчи, СССР халқлари орасида миллий низоларни қўзғатувчи — буржуазия миллатчиларининг фикрларига ҳамоҳангдир».

Ушбу сўзларнинг муаллифлари фикрича, чоризмнинг ўн минглаб кишиларни қириши, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантириши ва бойликларни талаши ҳақида баралла гапириш ёки ёзиш миллатчилик ҳисобланар эмиш. Улар бунинг ўрнига «қўшиб» олинишининг ижобий ўзгаришларини, яъни саноатни, темир йўлларни, ишчилар синфини ва бошқа омилларни мақташни тавсия этадилар. Ахир, бу ўзгаришлар мустамлакачилик хусусиятларига эга бўлиб, чоризм капиталистлар, савдо аҳилларининг манфаатларини таъминлади, холос. Ўша темир йўллар орқали беҳисоб бойликлар Россияга олиб кетилганлигини ким билмайди. Шунингдек, маҳаллий аҳолидан том маънодаги ишчилар синфи шаклланмаганлиги сир эмаску.

Мақола муаллифлари оғзини кўпиртириб гапираётган ўлкани «қўшиб» олишнинг прогрессив оқибатлари туб аҳоли устидаги зулмни янада кучайтириб улар қул каби ишлатилди ва суягигача шилинди. Шу боис мазлум халқнинг чоризмга қарши кўтарган қўзғолонлари бежиз бўлмаган, албатта. Нима учун ўша муаллифлар чор ҳукуматини миллий давлат, миллий қўшин ва маданиятни йўқ қилганлиги ҳақида чурқ этмайдилар.

Нима учун муаллифлар қўзғолонларни хон ҳокимияти, яъни мустақил давлатни тиклашга қаратилганлиги учун реакцион ҳаракат деб баҳолайдилар. Ахир тарихда ҳар бир миллатни Мустақил давлатга эга бўлиши катта тарихий воқеа ҳисобланадику. Буларни улар яхши биладилар, лекин начора партиянинг улуғ миллатчилик сиёсати чизиғидан чиқиб ҳақиқатни ёзишнинг иложи йўқ эди.

Юқорида шарҳланган мақола шунчаки бир одатда ёзиладиган иш эмас эди. Мазмунан у коммунистик партия марказий комитетининг кўрсатмасига биноан ёзилган бўлса керакки, кейинги 1953-1990 йиллар давомида тарихчилар учун умумий дастур бўлиб қолди. Унда билдирилган фикрлар асосида ўлкани босиб олиниши «қўшиб олиниши» ибораси билан алмаштирилиб ёзиладиган бўлди. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмини кенг қўламда махсус ўрганиш орқага суриб қўйилди. Биринчи навбатда ўлкани Россияга «қўшиб» олинишининг прогрессив оқибатларини яратиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Шу орада С. Ражабовнинг «Роль Русского народа в исторических судьбах народов средней Азии» (Тошкент — 1955) китоби нашр этилди. Очиғини айтганда, тарихни сохталаштиришда С. Ражабовга тенг келадиганини топиш қийин бўлса керак. Унинг ёзишича, Россия татар-мўғулларга қарши курашиб гўё мамлакат аҳолисини Чингиз хонлари ва Амир Темур қирғинларидан сақлаган эмиш. Айни пайтда у Россия минтақани Англо-Америка империалистларининг тажовузи ва туб аҳолини қириб ташланишининг олдини олган эмиш.

С. Ражабов ўлкани чор Россияси томонидан босиб олинишини ҳам ниқоблашга уриниб шундай ёзади: — «Ўрта Осиё аҳолисининг кўпчилиги хон мансабдорларининг адолатсизлиги ва зулмидан сабр косаси тўлганлиги ва ниҳоятда оғир ҳаётида ўзгаришлар ясалиши учун ўлканинг Россияга қўшилишидан манфаатдор эдилар. Фақат бир гуруҳ хонлар, беклар ва реакцион мусулмон руҳонийлари чор Россиясига қарши кучларни ва қўзғолонларни уюштиришга бехуда уриндилар. Аммо уларнинг чор Россиясига қарши умумхалқ қўзғолонларини уюштириш учун олиб борган ишлари амалга ошмади!»

Демак, ўзбек ва бошқа туб аҳоли чор Россиясини ўзининг ҳалоскори ва яхши ҳаётни таъминловчи давлат сифатида кутиб, унга ҳайрихоҳлик билан қараган бўлиб чиқади. Аслида манбаларнинг кўрсатишича, ўзбек ва бошқа маҳаллий аҳоли юқори табақанинг илғор вакиллари билан биргаликда ватан мустақиллиги учун қаҳрамонона курашган эди.

С. Ражабов яна бир катта хатога йўл қўйиб ёзади: — «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши уни туркий ҳукмдорлар ва Эроннинг ҳалокатли сиёсатидан абадул-абад қутқарди. Буржуазия миллатчилари, пантуркистлар, панисломистлар ва реакцион феодал руҳонийларнинг сиёсати Туркий ҳукмдорлар ва Эроннинг ҳокимиятини ўрнатишга, ўзбек ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларини шакланаётган миллий мустақиллигини тиклашга қарши қаратилган». Бу мисраларда ҳам муаллиф мустақиллик учун курашни қоралаб чор Россиясининг ҳукмронлигини идеаллаштириш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Ҳатто Туркистонга ҳеч қандай хавф солмаган Эронни ҳам тилга олиб масъулиятсизликни яна бир бор намойиш этган. Шунингдек, у жадидларни, 1898 йил Андижон қўзғолонини ва бошқа озодлик учун курашган барча кучларни халқ ва ватан душманлари сифатида тупроққа қориб ташлаган.

Умуман айтганда С. Ражабов агар чор Россияси Ўрта Осиёни эгалламаганда, у вақтда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркманлар қирилиб ва йўқ бўлиб кетар эди деган қалбаки ғояни тарғибот қилади.

1957 йилда нашр этилган «Ўзбекистон ССР» тарихига бағишланган асарда ҳам тарихий воқеалар юқорида шарҳланган хатолар асосида ёзилган. Унда В. В. Непольнин шундай дейди: — «Биринчи навбатда феодал оқсуяклар ва мусулмон руҳонийлари чоризмнинг забт этишига қарши фаол курашдилар. Чунки, улар Ўрта Осиёнинг забт этилиши натижасида ўз имтиёзларидан, ер-мулкларидан ва олиб турган катта даромадларидан маҳрум бўлишидан қўрқдилар. Феодал клерикал бошлиқлар халқ оммасининг қолоқлигидан ва ислом динининг таъсири кучлилигидан фойдаланиб диний мутаассибликни авж олдиришга интилдилар ва реакцион «ғазовот» эълон қилиб, меҳнаткашлар оммасини чор қўшинларига қаршилик кўрсатишга ундадилар. Бироқ, бу тадбирлар Ўрта Осиёдаги қолоқ ва чирик феодал деспотиялари-ни муқаррар мағлубиятга учраш-дан сақлаб қололмади».

Ажабо, наҳотки маҳаллий юқори табақа вакиллари босқинчиларга қарши курашда фақат шахсий манфаатларини ўйлаган бўлсалар. Аслида бундай бўлмай, қўзғолонларни улардаги Ватанга содиқлик ва мустақилликни сақлаш ҳис-туйғулари озодлик курашига айлантирган эди. Улар бу йўлда жонларини, молларини фидо айладилар. Шахсий манфаатини кўзлаган нуфузли кишилар эса осонлик билан душманга сотилиб, Ватанга хоинлик қилдилар. Совет тарихшунослигида бундай тоифадагиларнинг фаолиятига гўё Ватан тинчлиги ва тараққиётини кўзлаган кишилар сифатида ижобий баҳо берилди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки, босқинчилар, сотқинлар ҳамма вақт тақдирланган ва мақталган.

Ўша асарда миллий-озодлик ҳаракати ҳам қораланди. Масалан, 1898 йилги қўзғолон ҳақида қуйидагича фикр билдирилган: «Андижон қўзғолонининг характери ва шиорлари унинг тамомила халққа қарши реакцион характерда бўлганлигини кўрсатадики, «Ўзбекистон халқлари тарихи» иккинчи томининг биринчи нашрида (1947 й) бу қўзғолонга миллий озодлик ва халқ ҳаракати бўлган эди, деб берилган баҳо бутунлай нотўғри ва янглишдир».

1967 йилда каминанинг масъул муҳаррирлигида чиқарилган «Ўзбекистон тарихи»нинг иккинчи жилдида (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари) «қўшиб олиниши» ибораси ишлатилиб, унинг прогрессив оқибатлари кенг қўламда ёритилди. Бироқ, 1898 йил Андижон қўзғолони миллий-озодлик кураши сифатида таърифланди. Ҳамда Бухоро ва Хива жадидлари сўл қанотининг фаолияти ижобий баҳоланди. Асримизнинг 80-йиллари ўрталарида матбуотда профессор М. Ваҳобовнинг Андижон қўзғолонини, Амир Темурни, Бобурни қораловчи мақоласи эълон қилинди.

Шу муносабат билан 1989 йилда Тарих институтида илмий конференция чақирилиб, каминанинг маърузаси асосида 1898 йилги қўзғолон «иккинчи маротаба оқланди». 1990 йилда Ўрта Осиё республикаларининг олимлари қатнашувида илмий конференция чақирилди. Унда мени маърузам муҳокама қилиниб, Туркистонни Россияга «қўшиб олиниши» ибораси ишлатмаслик ҳақида қарор қабул қилинди.

Аммо, совет даврида Андижон қўзғолони, жадидлар фаолияти ва чор Россияси тажовузининг тарихини холис ўрганишга қаратилган айрим уринишлар «хамир учидан патир» дейилганидек, хавотирлик билан қўйилган дастлабки қадам эди, холос. Бу ҳақда камина газетада босилган мақолаларимда батафсил ёзганман.

Умумий хулоса шуки, тарих фани маънавий ҳаётнинг таркибий қисми ва йўналтирувчи кучи ҳисобланиб, мустақиллик ва озодликни таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир. «Мадомики, — дейди Президентимиз, — ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг қариқ чақалик аҳамияти йўқ».

Демак, авваламбор илгарилари йўл қўйилган хато ва камчиликларни яхши англаб ва тушуниб, том маънодаги илмий асарларни ёзиш лозим. Бунда Президентимизнинг бир гуруҳ зиёли вакиллари, шу жумладан тарихчилар билан учрашувида билдирган фикр-мулоҳазалари ва эълон қилинган махсус Фармони муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда қадимий миллий тарих фани сохталаштириш ва босқинчиларга хизмат қилишдан тамомила халос бўлиб тозаланди ва покланди. Унга бамисоли жон ва янги руҳ киргизилиб, у ўтмиш замонлар ва келажакнинг ёркин кўзгуси сифатида гавдаланиб турибди.

Тарихнинг бундай куч-қудрати ва аҳамияти ҳақида 700 йил муқаддам атоқли аллома Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий шундай деган эди:

Кимки тутмас қалбида тарихини,
У одам ҳам эмас, олим ҳам эмас.
Бироқ уқса ўтмишини,
Кўп бойитар турмушини.

Овропалик донишмандлардан бири Августин эса: «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини тарғибот этиш зарур» деган эди.

Шу равишда тарихчи олимларнинг олдида Ватан равнақига қаратилган муҳим ва масъулиятли вазифаларни адо этиш кўндаланг турибди. Уларни сидқидиллик ва билимдонлик билан амалга ошириш ҳар бир олимнинг муқаддас бурчидир.

Ҳамид ЗИЁЕВ



Миллий меъморчилик ва бинокорлик намунаси *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган*

Аъзоликка шу йил охирида қабул қилиниши мумкин

Европа Иттифоқи раҳбарияти Литва, Латвия, Словакия, Руминия, Болгария ҳамда Малта давлатлари жорий йил охиридан бошлаб мазкур ташкилотга қабул қилиниши борасида расмий музокараларни бошлаш мумкинлигини маълум қилди.

ЕИ комиссари Ханс Ван Ден Брукнинг айтишича, ташкилотга қабул қилиниши мўлжалланаётган барча мамлакатлар ЕИнинг сиёсий ва иқтисодий мезонларига яқинлашиб бораётир. Лекин юқорида номи зикр қилинган мамлакатлар ЕИга биринчи навбатда қабул қилиниши мўлжалланаётган давлатлар қаторидан жой ололмаган.

Маълумки, ўтган йили ЕИга биринчи навбатда Польша, Чехия, Венгрия, Словения, Эстония ва Кипрни қабул қилиш режалаштирилган эди.

Жиноятчилик ва коррупцияга қарши

Страсбургда Европа Кенгашига аъзо давлатлар ички ишлар вазирларининг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни фаоллаштириш масалаларига қаратилган мажлиси бўлди. Унда минтақанинг 20 дан ортиқ мамлакатидан вакиллар иштирок этди.

Европа Кенгаши бош котиби Даниэл Таршиснинг айтишича, тадбир минтақа мамлакатлари ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Японияда ҳарбий машқлар

Японияда АҚШ ва мазкур мамлакат ҳарбийлари иштирокида ўқув машқлари давом этмоқда. Унда 600 нафар АҚШ ҳамда 800 дан ортиқ япон ҳарбийлари иштирок этишяпти. Тадбирда иштирокчилар ҳарбий операцияларни ўтказишда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасида машқлар бажаришмоқда.

Мазкур тадбир нафақат Япония, балки унга қўшни мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлади япон ҳарбийлари. АҚШ ҳарбийлари эса тадбир икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилажагини қайд этди.

Ёрдам кўрсатишга даъват

Марказий Америка Парламенти (МАП) халқаро ҳамжамиятни табиий офатдан талофат кўрган минтақа мамалакатларига шошилинч ёрдам кўрсатишга даъват қилди. Даъватномада кўрсатилишича, бир ҳафта давом этган «Митч» довулидан талофат кўрган юз минглаб аҳоли айни пайтда шундай ёрдамга муҳтож ҳолда кун кечирмоқда.

Халқаро журналистлар анжумани

Хитойнинг Шанхай шаҳрида Осиё ва Тинч океани мамлакатлари телерадиоэшиттириш уюшмасининг 35-конференцияси бўлди. Унда минтақадаги 38 мамлакатдан 100 дан ортиқ радио ва телекомпаниялар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тўрт кун давомида анжуманда XXI асрда радио ва телевидениянинг ривожланиши, унга янги технологияларнинг қўлланиши масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, уюшманинг янги раҳбарлари сайланди.

Кремль олдида портлаш

Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати экспертларининг фикрича, Кремль девори олдида портлаган автомобиль террорчилик оқибатида юз берган. Текширув натижалари шуни кўрсатдики, машинада 400-600 грамм портловчи модда ҳамда нефть ёқилғиси билан тўлдирилган махсус идишлар ҳам бўлган.

Москва прокуратураси мазкур портлаш бўйича текширув ишларини давом эттирмоқда.

Таксичилар иш ташлашмоқчи

Жанубий Корея такси ҳайдовчилари шу ҳафтанинг пайшанба куни умуммамлакат бўйича иш ташлаш эълон қилиш режасини маълум қилди. Иш ташлашга асосий сабаб такси саройларининг эгалари билан ҳайдовчилар ўртасида иш ҳақи тўлаш тизимидаги келишмовчиликлардир. Ҳайдовчиларни Корея касаба уюшмаси конфедерацияси ҳ м қўллаб-қувватламоқда.

Иш ташлашда жами 100 минг киши иштирок этиши мўлжалланаётир.



Баҳористоннинг баҳорий ёшлари. *Абдулғани ЖУМА олган сурат*

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 10 noyabr, seshanba № 134 (23.371).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484
Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди — 23.15
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Даъвога ўрин қолмади

Спорт

Маълумки, бу йилги мамлакат миллий футбол чемпионатида пешқадамлар мавсум охиригача совринли ўринни қўлга киритиш учун бир-бирларини «таъқиб» қилиб келишди. Айниқса, пахтакорчилар билан «Нефтчи» футболчилари чемпионликка асосий даъвогарлардан эканликларини астойдил намойиш этишди. Қизиғи шундаки, агар «Пахтакор» чемпионатнинг якунловчи турида навбаҳорчиларни қабул қилиб, ғалаба қозонолмаганда биринчи ўрин тақдири «Нефтчи» майдонида ҳал бўлиши мумкин бўларди. Зеро, тошкентликлар кўтаринки руҳда тўп суриб, «Навбаҳор» дарвозасига иккита тўп киритишди. Бу ғалаба «Пахтакор»га муддатдан аввал чемпион бўлиш имкониятини берди. Шу куни ўйингоҳни тўлдириб ўтирган мухлислар учун ўзига хос байрам бўлди. Умуман якунловчи турда асосан майдон эгалари ғалаба нашидасини суришди:

МХСК — «Косонсой» — 3:2, «Темирйўлчи» — «Бухоро» — 3:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Нефтчи» — «Сурхон» — 4:0, «Трактор» — «Хоразм» — 2:1, «Дўстлик» — «Металлург» — 2:1, «Насаф» — «Зарафшон» — 2:0. Кеча «Насаф» — «Пахтакор», «Металлург» — «Навбаҳор» жамоалари ўртасида кечиктирилган ўйинлар ўтказилди. 17 ноябрда «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари майдонга тушадилар. Қолган ўйинлардан қатъи назар мамлакат чемпионатининг совриндорлари аниқланиб бўлди. Ўйинлар жадвали эса қуйидаги манзара олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
1. «Пахтакор»	28	24	3	1	94-26	75
2. «Нефтчи»	29	21	6	2	81-26	69
3. «Навбаҳор»	29	18	5	6	60-31	59
4. «Сўғдиёна»	30	16	4	10	56-43	52
5. «Бухоро»	30	13	4	13	51-50	43
6. «Темирйўлчи»	30	13	4	13	53-63	43
7. «Дўстлик»	30	11	10	9	57-43	43
8. «Насаф»	29	11	9	9	41-30	42
9. «Андижон»	30	12	4	14	59-58	40
10. «Сурхон»	30	12	4	14	50-62	40
11. «Зарафшон»	30	12	4	14	41-57	40
12. «Хоразм»	30	10	6	14	39-55	36
13. «Трактор»	30	9	7	14	38-52	34
14. «Металлург»	29	8	7	14	35-50	31
15. МХСК	30	2	5	23	28-97	11
16. «Косонсой»	30	2	4	24	31-75	10

Виждонга ёзилган қўшиқ

Қадрдон мухлислар ўзи севадиган у ёки бу нашрни чоп этилишини интизорлик билан кутади. Ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган янги сонни варақлаб бўлмагунча кўнгли тўлмайди. Дилига, дунёқарашига, қизиқишига мос келадиган бирор мақола топса, иштиёқ билан ўқишга тушади. Бор-ю, кўнглидаги мақола топилмаса кайфияти тушади, ҳатто, шу нашрдан кўнгли совий бошлайди. Шу боис журнал ёки газета чоп этаётганда ана шундай куюнчак ва қизиқувчан мухлислар борлигини инобатга олмайдиган бўлсак, шубҳасиз улардан ажраб қоламиз. «Мулоқот» жамоаси ҳамиша журналхонлар қалбига яқин бўлган, теша тегмаган янги бир мавзуни кўтаришга интилади. Муштарийлар дидига манзур бўладиган бундай ҳаммабоп мақолалар янги сонда ҳам талайгина. Шу маънода журналнинг 1998 йилги охирги 6-сони ушбу йилдаги бақувват сонлардан бири бўлди десак, асло адашмаймиз.

«Мулоқот» саҳифаларида

Янги сонда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларига ва «Мулоқот»да чоп этилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мақолаларига фидойи юртдошларимизнинг муносабатлари билдирилган. Журналнинг 6-сони «Куч — адолатда, билим ва тафаккурда» ва «Тарихий хотира муқаддасдир» мақолалари билан очилади. Биринчи мақолада таъкидланганидек, «Ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат мафкурасиз яшаши мумкин эмас». Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жамиятни мафкурадан, мафкурани жамиятдан ажратиб бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, «Тарихий хотира муқаддасдир»да келтирилганидек, ўзбек давлатчилик тарихи Искандар Зулқарнайн замонидан ҳам аввалги даврлардан бошланган. Собиқ СССР даврида чоп этилган асарларда Ўзбекистон тарихи сохталаштириб кўрсатиб келинди. Тарих олдида ёлғон сўзлаш эса гуноҳи азимдир. Одамзот борки, ўз хонадони, оиласи, маҳалласи ва шаҳри, қишлоғи билан фахрланиб яшайди. Ватанпарвар инсон ўзгача яшай олмайди. Ватан тарихини яхши билиш ҳам шу заминга бўлган садоқат рамзи. Чунки тарих бу виждонга ёзилган юрт ҳақидаги энг муқаддас қўшиқ. Ана шу қўшиқ миллатни ҳамиша уйғоқ тутади, инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Истиқлолга эришган халқ уни асраб-авайлашни, метиндек мустаҳкамлашни ҳам ўрганади.

Таниқли олим Абдулҳафиз Жалолов ўзининг «Мустақиллик — масъулият ҳуқуқи» мақоласида «Мустақиллик, бу — ўзимизнинг нурафшон истиқболларимиз учун ўз елкамизга олинган юксак масъулиятдир» дея тан олса, Анвар Чориев «Маданий савия»да «Маданий савия инсонни онглилиги, билимдонлиги, маданиятлилигидан далолат беради», — дея хулосалайди.

Ҳадемай, халқимиз ўзининг инсонпарварлик ва адолат, эркинлик ва тенглик, мустақил ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳамда миллий давлатчилик ҳақидаги кўп асрлик орзу ва умидлари мужассам бўлган ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигини байрам қилади. Журналимизнинг 6-сонида шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Ҳалиловнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва халқ эркинлиги кафолатлари» мақоласи эълон қилинган. Унда: «Конституция барча фуқароларга катта иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни беради. Ҳар бир киши меҳнат қилиш, ўзи ёқтирган ишни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитлари ҳамда қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга», — дейилади.

Янги сон шакл ва мазмун жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Рашид Рауповнинг «Эл учун эр йигит қайғуради», Абдулҳаким Шаърий Жузжонийнинг «Тасаввуф сирру асрори», Амалиддин Сулаймоновнинг «Темурийлар қиёфаси», Абдушукур Чориевнинг «Инсоншунослик фанларининг ўзаро боғлиқлиги» ва ёзувчи Раҳимжон Отаулининг «Туркистон томонларда» сарлавҳалар остидаги чиқишлари ҳам мухлислар эътиборини тортиши табиий. Чунки уларда эл-юрт учун, шу она-Ватан ва унинг истиқболи учун ички бир қайғуриш, куюнчаклик бор.

«Камтарга камол», — дейди халқимиз. Ростдан ҳам камтарлик — юксак маданият белгисидир. Ўзига хос истеъдод эгаси шоир Тўлқин камтарона ҳаёт кечирди. У тақдир тақозоси билан қўшиқлари энди авжга чиқаётганда ҳаётни тарк этди. Шоир ҳозир тирик бўлганида 60 ёшга тўларди. Тўлқин Имомхўжаев атрофни ёритиб, дилларга қувонч солиб, ўзи тугаб бораётган шам каби камтарона яшаб, оламдан ўтди. Ундан бизга катта маънавий мерос қолди. «Мулоқот»нинг охирги сонида шоир шеърларидан сара намуналар эълон қилинган. Бу шеърлар шеърсевар дўстларимизни мамнун қилади, деб ўйлаймиз.

«Мулоқот»нинг муқовасини мусаввир Жўра Асроннинг «Аҳмад Фарғоний» ва ҳайкалтарош Мухтор Облоқуловнинг «Имом Бухорий» асарлари безиб турибди. Бу ҳам яқиндагина таваллуд айёмлари тантанали нишонланган буюк боболаримизга бўлган ўзига хос ҳурмат-эҳтиром рамзидир.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

«Дирол»-дан озор чекканлар

Сақич рекламаси жуда кенг тус олиб кетди. Оғизга маза киритадигани-киритмайдигани ҳам кенг тарғиб этилмоқда. Уларнинг нархи унчалик чўнтакбоп эмаслиги ҳақида-ку асти қўяверинг. Айниқса, ширин-шакар фарзандларимиз уларни кўрди дегунча хархаша қилишади.

Тиббиёт аҳлининг аниқлашича, тушлик ва кечки овқат ўртасида «Дирол» дейсизми, «Орбит» ёки «Стиморол» дейсизми, чайнаш овқатланиш меъёрини жиддий равишда бузар экан!

Бунинг оқибатида эса ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, қоринда ғумбаклар пайдо бўлиши сингари касалликлар пайдо бўларкан. Айримлар оғиздаги ёқимсиз ҳидни йўқотиш учун ҳам эрмакка сақич чайнашади. Ана шу пайтда ошқозон меъдаси шира ишлаб чиқара бошлайди. Бошқача айтганда, ошқозон овқат кутади. У ўзини қақшатқич суратда алдашаётганини «сезиб» ўч ола бошлайди: ошқозон яраси ана шу тариқа пайдо бўлади.

Энди тишни кариесдан сақлаш масаласи нима бўлади денг? Бунга ойдинлик киритдилар: уни фақат овқатлангандан сўнгтина чайнаш тавсия этилади. Ана шунда ҳар хил ошқозон касалликларининг келиб чиқишига чек қўйиш мумкин экан. Аммо, шуниси ҳам борки, текширилган бир гуруҳ беморлар ҳар қандай эҳтиёткорликларига қарамасдан ошқозон касалликларига учраганлар. Бунинг сабаблари текширилиб кўрилганда эса улар овқатланиш меъёрига ҳамиша ҳам риоя қилишмас, уларнинг яқин қариндошлари ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган, бунинг устига кўплари кашандалар, чувак, асабий ва кучли овқатга ўч одамлар бўлиб чиқди.

Олтин кузнинг олтин япроғи. *Владимир ПАНОВ олган сурат*

Халқ осойишталиги йўлида

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тезкорлик билан очиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Бектемир туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковники Тошпўлат Раҳимов билан суҳбатда бўлди.

— Тошпўлат Каримович, ҳозирги кунда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Ҳамдўстлик давлатларини ҳам ҳайратга солмоқда. Муваффақиятларга қандай эришилмоқда ва умуман бу борада Бектемир туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўтган вақт давомида вазиятни барқарорлаштириш ва соғломлаштириш мақсадида туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби томонидан «Тозалаш», «Назорат», «Комплекс», «Арсенал», «Хонадон», «Қора дори», «Таксист», «Ғамхўр», «Пойтахт», «Қидирув» деб махсус номланган ўндан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Натижада туман ҳудудида қотиллик, фирибгарлик, ўзгалар мулкини ўғирлаш ва бошқа бир қатор жиноятлар сонининг кескин камайишига эришилди. Шунга қарамасдан номусга тегиш, талончилик, безорилик ва ёш болалар томонидан содир этилаётган жиноятлар кўпайиш ҳоллари учраб турибди. Бу бизни ўз ишимизга масъулият билан ёндошишга даъват этади. Содир этилаётган жиноятларни таҳлил этганимизда, жиноятларнинг 86 фоизи бошқа давлат ва вилоятлардан келган фуқаролар томонидан содир этилганлиги маълум бўлди. Ички ишлар ходимлари томонидан туман ҳудудида четдан келган 6 мингдан зиёд шахслар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб борилди. Бу тадбир жараёнида бошқа давлатлардан келган, ноқонуний равишда истиқомат қилаётган шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилиб, улар республика ҳудудидан чиқариб юборилди. Шулар қаторида шахсини аниқлаш учун ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган ва доимий яшаш жойи аниқ бўлмаган 200 га яқин шахслар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг махсус тарқатиш муассасаларига жўнатилди.

— Хабарингиз борки, мамлакатимиз Президенти томонидан сўнгги йилларда бир қатор фармонлар ва республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди, уларнинг ижросини таъминлашни назорат қилиш қай даражада?

— Айни пайтда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман ҳудудидаги бозорларнинг иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, халққа сифатли хизмат кўрсатишни яхшилаш, савдо тармоқларида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган моллар билан таъминланиши, сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари, акциз маркаси бўлмаган спиртли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилишни ман этиш ҳақидаги ҳукумат қарорлари ва Тошкент шаҳрида нефть маҳсулотлари билан таъминланишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида туман ички ишлар ходимларидан иборат махсус гуруҳлар ташкил этилди. Улар туман ҳокимлиги, прокуратура ва солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус дастур асосида иш юритишяпти. Бу борада жойлардаги маҳалла қўмиталарининг ўрни ҳам салмоқли бўляпти. Жумладан, туман ҳудудидаги бозорларда ўтказилган қўшма рейдлар натижасида қарийб 40 дан зиёд озиқ-овқат, спиртли ичимлик, тамаки маҳсулотларини ноқонуний сотиш ҳоллари аниқланди ва шу қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган шахслар қонун доирасида жавобгарликка тортилди.

Масалан, шу йилнинг октябрида туман ДАН масканида фуқаро Сотволдиев Сотимбек 20 минг дона ароқ шишаси қопқоғи ва яна шунча миқдордаги «Столичний» ароқ этикеткасини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётганида ушланди. У албатта, ўз қилмишига яраша жазосини олади. Шунингдек, ёнилғи маҳсулотлари сотиш шаҳобчалари иши ҳам қаттиқ назорат остига олинган. Аҳолига доимий равишда давлат нархида ёнилғи маҳсулотларини сотиш таъминланди. Энг муҳими, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тарғиботи туман ҳудудида атрофлича амалга оширилмоқда. Автомобиль транспорти ҳайдовчилари, автобаза ходимлари, бозорда савдо қилаётган деҳқонлар ўртасида турли мавзуларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Табиийки, бу ҳаракатларимиз жойларда ўз самарасини бермоқда.

Бундан мақсадимиз битта — у ҳам бўлса, халқимиз фаровонлигини яхшилаш ва барқарор ҳаёт тарзини таъминлашдан иборат.

Суҳбатдош Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Доно топиб айтади

Тенг еганни тангри суйган.

❖

Ёт тўйгунча, туққан ўлгунча.

❖

Пули борлар йўрға-йўрға, Пули йўқлар зўрға-зўрға.

❖

Оловни ковласанг ўчади, Қўшнини ковласанг кўчади.

❖

Оила бутлиги — мамлакат бутлиги.

❖

Еб турган ошимга, тилим етди бошимга.

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ

Бир чаноқни кўзга суртиб...

Жаҳон бўйлаб велосипедда

Велосипедда дунё кезаётган матонатли ватандошимиз Мурод Қосимов икки ойдан сал кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон, Арманистон ва Туркия Республикалари шаҳар-қишлоқларида бўлиб, ҳозир Сурия бўйлаб сафарини давом эттирмоқда.

Шу нарса диққатга сазоворки, жаҳонгашта дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин, ҳамма ерда ҳам уни нон-туз ва гуллар билан кутиб олиб, ҳурмат-эҳтиром билдиришяпти. Оммавий ахборот воситалари сафарни кенг ёритиб, ўзбек сайёҳининг саъй-ҳаракатини муносиб баҳоламоқда. Хусусан, Россия телевидениесининг НТВ канали, Озарбойжон ва Туркия «ойнаи жаҳони» Мурод Қосимов ҳақида алоҳида кўрсатув тайёрлаб, эфирга узатгани ҳам сайёҳга бўлган эътибор ифодасидир.

Сайёҳ жойларда маҳаллий аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, жаҳонга юз тутган Ўзбекистон ҳақида, миллий бойликларимиз, бунёдкор халқимиз, азалий урф-одатлару расм-русумларимиз ҳақида ҳикоя қилмоқда.

Мурод Қосимов Тошкентга сим қоқишларидан бирида янги гап айтиб қолди. Маълум бўлишича, у сафарни бошлаб, республикамиз ҳудудидан ўтиб кетаётганида Самарқанд атрофи, катта йўл ёқасидаги майдондан бир чаноқ лўппи пахтани олган экан. Бу айни муддао, кўнглидаги иш бўлибди. Яқинда бўлиб ўтган бир учрашувда гап пахта ҳақида кетган. Қарасаки, тўпланганларнинг аксарияти пахтадан мутлақо хабари йўқ кишилар экан. Шунда ёнидаги Ватан нафаси уфуриб турган чаноқ пахтани кўзига суртиб: «Бу неъмат республикамиз асосий бойликларидан бири, халқимизнинг миллий ифтихори эканлиги, толасини чет элларга хомашё сифатида етказиб бериш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туришимизни», сўзлабди. Мулоқот учрашув қатнашчиларида яхши таассурот қолдирган.

Ҳа, сайёҳ Мурод Қосимов истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ватанимиз, унинг фидойи одамлари, миллий бойликлари ҳақида шу юрт фарзанди сифатида фахр ва ифтихор билан сўзлаш билан ўзига хос тарғиботчилик қилмоқда. Дунё халқлари эса Ўзбекистонни танимоқда, тан олмоқда, унинг келажаги порлоқлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ